

Ёшлар ва талабаларнинг оммавий тартибсизликлардаги роли

Аннотация. Мақолада ёшлар ва талабаларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва тарихий ўзгаришлардаги, шунингдек, норозилик намоёишлари ва оммавий тартибсизликларда иштирок этишининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллари, шу билан бирга, ёшлар ҳаракатларининг ижобий ва салбий томонлари таҳлил қилиниб, ёшлар ҳаракатларини конструктив тарзда йўналтириш ва барқарор тараққиётга хизмат қилувчи механизмларга айлантириш йўллари таклиф этилади.

Калит сўзлар. Ёшлар, талабалар, ижтимоий-сиёсий жараёнлар, оммавий тартибсизликлар, норозилик намоёишлари, ижтимоий тармоқлар, сиёсий ҳаракатлар, иқтисодий омиллар, демократия, барқарор тараққиёт.

Ҳозирги кунда ёшлар ва талабалар жамиятнинг энг фаол ва динамик қатламларидан бири бўлиб, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки муҳим ўзгаришларга сабаб бўлади. Бундай иштирок ўз навбатида, ҳам ижобий, ҳам салбий кўринишга эга бўлиши мумкин. Давлат ва жамият манфаатларига жиддий зарар етказувчи оммавий тартибсизликлар, яъни жамоат тартибига путур етказувчи оммавий норозилик ҳаракатлари, кўпинча ёшлар ва талабаларнинг фаол иштироки асосида содир этилади. Шунинг учун ҳам тарих давомида кўплаб сиёсий ҳаракатлар, инқилоблар ва оммавий тартибсизликларда ёшлар ва талабалар етакчи куч сифатида намоён бўлган.

Шу ўринда Президент Ш.Мирзиёевнинг **“Ёшлар келажаги билан боғлиқ ҳар қандай вазифа бирламчи аҳамиятга эга”**, - деб бежизга таъкидламаганлиги маълум бўлади.

Маълумот учун, ҳозирги даврда дунё аҳолисининг 2 миллиарддан ортиқ қисмини, яъни 25 фоизини, Ўзбекистонда эса қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил қилади.¹ Шу билан бирга, 2024-2025 йилги ўқув йили бошида Ўзбекистон олий таълим муассасаларида 1 млн 432 минг 800 нафар талабалар таҳсил олмоқда.²

Бундай салбий ҳолатлар авваламбор, ижтимоий, иқтисодий ёки сиёсий норозиликлар натижасида келиб чиқади. Бунда ёшлар ўз фаоллиги ва интернет технологиялардан фойдаланиш маҳорати орқали ҳаракатларнинг кенг тарқалишига ёрдам беради. Баъзилари ўз

¹ Саъдуллаева А., “Ёшлар - Янги Ўзбекистон бунёдкорлари”. Мақола. Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлиги расмий веб-сайти. Мурожаат санаси: 22.06.2025 й.

² Ўзбекистон миллий статистика қўмитаси расмий веб-сайти. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>. Мурожаат санаси: 22.06.2025 й.

қарашларини тинч йўл билан ифода этишга ҳаракат қилса, бошқалари радикал чораларга мурожаат қилади. Намойишларнинг тинч йўл билан ўтиши жамиятдаги ижтимоий ҳамжиҳатликни сақлаб қолишга ёрдам берса, тартибсизликлар кўпинча зўравонлик, тўқнашувлар ва давлат тузумига қарши кескин чоралар кўришга олиб келади. Бундай вазиятларда ёшлар ва талабаларнинг ҳаракатлари ижтимоий ўзгаришларга туртки бўлиши ёки, аксинча, беқарорлик ва хавfli оқибатларга сабаб бўлувчи оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариш эҳтимоли юқори бўлади.

Шу ўринда миллий ҳуқуқий тизимда оммавий тартибсизликлар жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг бир кўриниши сифатида, *“жамоат тартиби ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлигига таҳдид соладиган зўравонлик, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш шаклларида намоён бўладиган оломоннинг тартибсиз ҳаракати”* – деб таърифланган. Бошқача қилиб айтганда, оммавий тартибсизликлар – бу бир гуруҳ одамларнинг қонунга ҳилоф равишда тинчлик ва тартибни бузишга олиб келадиган ҳаракатларидир.

Мазкур таърифдан кўринадик, оломон тартибсизликларнинг асосий элементи бўлиб, зўравонлик ҳаракати жамоат хавфсизлиги ва давлат ҳокимиятининг нормал фаолият юритишига қарши қаратилади. Қолаверса, у давлат бошқарувини издан чиқариш, конституциявий тузумни ўзгартириш, фуқаролар соғлиги ва мол-мулкига зарар етказиш даражасидан келиб чиқиб, ғавқулодда ҳолат режимини жорий қилишгача бўлган жараёнларни ҳам ўзида намоён қилиши мумкин.

Ёшларнинг оммавий тартибсизликларда иштирок этиши турли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий омиллар таъсирида юзага келади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ёшлар ижтимоий ўзгаришларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, уларнинг норозилик билдириш усуллари жамиятдаги мавжуд шарт-шароитларга боғлиқ бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий беқарорлик ёшларнинг тартибсизликларда иштирок этишида муҳим роль ўйнайди. Социологик тадқиқотлар ёшлар орасида ишсизлик даражаси юқори бўлган жамиятларда тартибсизликлар содир этиш эҳтимоли ортиши ҳақида гувоҳлик беради.³ Шунга мувофиқ, ишсизлик – ёшлар орасида норозиликнинг кучайишига сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири бўлиб, унинг юқори

³ Тед Роберт Гуррнинг (Ted Robert Gurr) 1970 йилдаги "Why Men Rebel" (Нима учун одамлар исён кўтаради) китоби, 3-30 саҳифа.

даражаси ёшларнинг келажакка бўлган ишончини сусайтиради ва давлат сиёсатига нисбатан кескин реакцияга сабаб бўлади. Чунки ишсизлик ёшларда ижтимоий тушкунлик ва умидсизлик ҳолатларини келтириб чиқаради.

Ижтимоий тушкунлик ва ноумидлик жамиятда, айниқса, ёшлар орасида тарқалиши мумкин бўлган жиддий муаммолардан бири бўлиб, инсонда ҳаётга бўлган иштиёқни сўндириб, келажакка нисбатан ишончсизликни юзага келтиради. Бу ҳолат эса ёшлар орасида турли норозилик кайфиятларининг шаклланишига олиб келиши мумкин.

Ғарб олимларидан Белл ва Бланчфловвер ўз тадқиқотларида ишсизликнинг ёшлар руҳий саломатлиги ва ижтимоий кайфиятига таъсирини таҳлил қилиб, ишсизликнинг узоқ муддатли салбий оқибатлари борлигини таъкидлайдилар. Уларнинг таъкидлашича, ёшлар ишсизликка дуч келганида, уларнинг руҳий ҳолати ёмонлашади, жамиятга бўлган ишончи пасаяди ва улар сиёсий ва ижтимоий норозилик кайфиятларига мойил бўлиб қолади.⁴

Шу билан бирга, ижтимоий тушкунлик ва ноумидлик ёшларнинг фаоллиги пасайишига, уларнинг ижтимоий жараёнлардан четлашишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолат жамиятда радикал кайфиятларнинг пайдо бўлишига, ҳуқуқбузарлик ва бошқа салбий ҳолатларнинг авж олишига замин яратади.

Давлат ва жамият ёшларнинг ишончини мустаҳкамлаш учун уларга муносиб шароит яратиши, таълим, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя борасида самарали чоралар кўриши лозим. Чунки ёшлар жамиятнинг келажаги бўлиб, уларнинг руҳий ва маънавий барқарорлиги бутун жамият тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади.

Шу боис, ижтимоий тушкунлик ва ноумидликка қарши курашиш учун ёшлар орасида тарғибот ишларини кучайтириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий имкониятларни кенгайтириш орқали келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлаш зарур. Фақат шундагина ёшлар ўз келажаги учун хавотир эмас, балки умид ва ишонч билан яшайдиган қатламга айланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, иқтисодий ночорлик ва ишсизлик ҳукм сураётган жойларда ёшлар жиноятчилик, радикал ҳаракатлар ва ҳатто қуролли можароларга қўшилиши мумкин.⁵

Ғарб олимларидан Соллиер ва Хоеффлер ўз тадқиқотларида иқтисодий омиллар ва қуролли можаролар ўртасидаги боғлиқликни

⁴ Bell, D. N. F., & Blanchflower, D. G. (2011). Young people and the Great Recession. *Oxford Review of Economic Policy*, 27(2), 241-267.

⁵ Collier, P., & Hoeffler, A. (2004). Greed and grievance in civil war. *Oxford Economic Papers*, 56(4), 563-595.

ўрганиб, иқтисодий ночорлик ва ишсизлик ёшларни ноқонуний ҳаракатларга жалб этишини, ёшлар учун қонуний иш топиш имконияти чекланган жойларда уларга ноқонуний даромад манбалари жозибадор бўлиб қолади. Натижада, улар уюшган жиноятчиликка, гиёҳванд моддалар савдоси, одам савдоси ёки радикал ҳаракатларга қўшиладилар.

Иқтисодий ночорликнинг радикаллашувга таъсири терроризмни ўрганувчи бошқа тадқиқотларда ҳам қайд этилган. Масалан, Круегер ва Малечкова (2003) ўз илмий ишларида иқтисодий ночорлик ва таълим даражаси террорчилик ҳаракатларида иштирок этиш эҳтимолига қандай таъсир қилишини таҳлил қилиб, ижтимоий-иқтисодий факторларнинг радикаллашув жараёнида муҳим ўрин тутишини кўрсатиб берган.

Ишсиз ёшлар ўз муаммоларини ҳал этиш учун кўчаларга чиқишга мойил бўлади. Улар иқтисодий имкониятлар ва адолатли меҳнат бозорини талаб қилган ҳолда, намоиш ва тартибсизликларга қўшилиши мумкин. Ушбу жараён кўпинча иқтисодий имкониятларнинг етишмовчилиги, коррупция, ижтимоий тенгсизлик ва давлат институтларига нисбатан ишончнинг пасайиши билан боғлиқ бўлади.

Соҳа мутахассиси бўлган олим Гурр ўзининг "Why Men Rebel" номли асарида нисбий камситиш назариясини илгари суриб, одамлар ўзига тегишли деб ҳисоблаган имкониятларга эга бўлмаганида, улар сиёсий норозиликни намоён қилади, деб таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, иқтисодий ночорлик ва ижтимоий адолатсизликка дуч келган ёшлар ўз ҳақ-хуқуқларини талаб қилиш учун намоишларга чиқиши мумкин.

Шунга мувофиқ, ёшлар ва талабаларнинг норозилик намоишлари ҳамда ижтимоий ҳаракатларга жалб қилинишининг бир нечта асосий сабаблари бор:

1. *Ижтимоий адолатга интилиш.* Ёшлар одатда идеалистик фикрлайди ва ижтимоий адолат, эркинлик ва тенгликка катта эътибор қаратишади. Улар жамиятдаги ноҳақлик ва коррупцияга қарши фаол курашишга мойил бўлишади.

2. *Талаба ёшларнинг билим ва танқидий фикрлаш қобилияти.* Талабалар олий таълим муассасаларида билим олишади, танқидий фикрлашни ривожлантирадилар ва жамиятдаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар. Университет муҳити уларга эркин фикрлаш ва фаол ҳаракат қилиш имкониятини беради.

3. *Ижтимоий тармоқлар ва ахборот тарқатиш имконияти.* Замонавий технологиялар, айниқса ижтимоий тармоқлар ёшларга ахборотни тезкор тарқатиш ва ҳаракатларни ташкил қилиш имкониятини яратади. Бу эса уларнинг сиёсий ва ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишига туртки бўлади.

4. *Ишсизлик ва иқтисодий муаммолар.* Кўп мамлакатларда ёшлар ишсизликдан азият чекишади ёки иқтисодий имкониятлар чекланган бўлади. Бу уларни ҳукумат ва ижтимоий тузилмаларга нисбатан норозилик билдиришга ундайди.

5. *Энергия ва ташаббускорлик.* Ёшлар катта энергияга эга бўлиб, ўзгаришлар қилишга интилишади. Улар ўз келажаги учун қайғургани сабабли, турли ижтимоий ва сиёсий ҳаракатларда фаол иштирок этишга мойил бўлишади.

6. *Тарихий ва сиёсий анъаналар.* Кўплаб тарихий инқилоблар ва сиёсий ҳаракатларда ёшлар ҳал қилувчи роль ўйнаган. Масалан, 1968 йилда Францияда талабалар намоёишлари катта таъсир кўрсатган, 1989 йилда Хитойдаги Тяньаньмэнь воқеалари, шунингдек, 1992 йил 16 январда Ўзбекистонда талабалар шаҳарчасидаги воқеаларда ҳам асосан ёшлар асосий ўрин эгаллаган.

XXI асрнинг дастлабки ўн йилликларида дунё бўйлаб ёшлар ва талабалар иштирокидаги намоёишлар кўплаб тартибсизликларнинг авж олишига ва сиёсий барқарорликнинг вужудга келишига олиб келди.

Жумладан, 2010 йилнинг декабрь ойида Тунисда бошланган ва кейинчалик Миср, Ливия, Яман, Сурия ва бошқа араб давлатларига ёйилган ва тарихга “Араб баҳори” номи билан кирган оммавий тартибсизликлар тарихдаги энг йирик сиёсий можаролардан бирига айланиб кетди. Ушбу воқеаларда ҳам асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатида ёшлар намоён бўлди. Унинг бошланишига эса бевосита, Тунислик ёш савдогар Муҳаммад Буазизийнинг ўзини ёқиб юбориши туртки бўлди. Бу воқеа жамиятдаги ижтимоий адолатсизликка ва ҳукумат коррупциясига қарши оммавий норозилик намоёишларини келтириб чиқарди. Интернет ва ижтимоий тармоқлар (айниқса, Facebook ва Twitter) ёшларни уюштиришга ёрдам берди ва намоёишлар бутун мамлакат, сўнгра бутун минтақа бўйлаб тарқалиб кетди. Бунинг натижасида 2011 йилда Тунис президенти Зин аль-Обидийн Бен Али, Ливия Президенти Муаммар Каддафий, Миср Президенти Ҳусни Муборак ҳокимиятлари афдарилди. Бироқ, бу ҳаракатлар ушбу мамлакатларга ижобий таъсир кўрсатмади, сиёсий беқарорлик ва зўравонлик авж олди.

Ушбу мисоллардан кўришимиз мумкин-ки ёшлар сиёсий ўзгаришларда муҳим роль ўйнаган, аммо бу ўзгаришлар ҳар доим барқарорликка олиб келмаслиги мумкин. Кўплаб мамлакатларда ёшлар ҳаракатлари сиёсий жараёнларга таъсир ўтказган, айрим ҳолларда янги сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар ва фуқаролик жамияти ташаббусларининг шаклланишига туртки берган.

Ўз навбатида, ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги фаоллигини қуйидаги ҳолатлар билан ҳам изоҳлаш мумкин:

- ёшлар тарихан сиёсий ўзгаришларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири бўлиб келган. Улар жамиятда янги

ғояларни илгари сурадиган ва статус-квони ўзгартиришга ҳаракат қиладиган гуруҳ ҳисобланади;

- демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлар учун курашда ёшлар кўпинча намойишлар ва ижтимоий ҳаракатлар орқали иштирок этади;

- ёшлар ҳаракатлари сиёсий жараёнларга таъсир ўтказиб, янги сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларнинг ташкил этилишига сабаб бўлди. Масалан, баъзи мамлакатларда талабалар ҳаракатлари янги сиёсий кучларнинг юзага келишига олиб келган;

- ёшларнинг ижтимоий тармоқларда фаол бўлиши уларнинг таъсир доирасини кенгайтириб, жамоатчилик фикрига катта таъсир кўрсатиш имконини беради.

Шу билан бирга уларнинг бундай ҳаракатларига ижтимоий тармоқлар ва рақамли воситаларнинг роли ҳам жуда муҳим:

- замонавий ёшлар анъанавий сиёсий платформалардан кўра ижтимоий тармоқлар ва рақамли медиа воситалар орқали сиёсий жараёнларда қатнашмоқда;

- Twitter, Facebook, Instagram ва TikTok каби платформалар ёшлар орасида сиёсий ғояларни тарқатиш, ташкилотчилик ва намойишлар уюштириш учун асосий воситага айланган;

- ижтимоий тармоқлар воситасида ёшлар глобал миқёсда бирлашиб, бир-бирлари билан тажриба алмашиши ва турли мамлакатлардаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаши мумкин;

- рақамли воситалар, шунингдек, ҳукуматлар томонидан цензурага учраши ёки манипуляция қилиниши мумкин, бу эса ёшлар ҳаракатларининг самарадорлигига таъсир қилади.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда ёшлар ҳаракатларининг келажагини қуйидагича прогноз қилиш мумкин:

биринчидан, ёшлар ҳаракатлари келажакда рақамли технологиялар ва глобализация таъсири остида янада кучаяди;

иккинчидан, янги ёш авлод сиёсий жараёнларга таъсир ўтказиш учун сунъий интеллект ва блокчейн технологияларидан фойдаланиш орқали инновацион усулларни ишлаб чиқади;

учинчидан, демократия ва инсон ҳуқуқлари қадриятлари ёшлар орасида янада кучаяди, бу эса уларнинг сиёсий жараёнларга таъсирини янада оширади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, агар ҳукуматлар ёшларни тингласа, уларга имкониятлар яратса ва асосий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган ислохотларни амалга оширсин, ёшлар ҳаракатлари зўравонликсиз ва барқарор тараққиётга хизмат қилувчи кучга айланиши мумкин. Бунинг учун фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, сиёсий ва иқтисодий имкониятларни кенгайтириш, таълимни такомиллаштириш ва ижтимоий адолатни таъминлаш зарур. Очиқ мулоқот ва ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали

уларнинг жамиятдаги иштироки кучайиб, ижобий ўзгаришларга йўл очилади. Ҳукумат ва жамият биргаликда ҳаракат қилса, ёшлар тараққиётнинг асосий омилига айланиб, барқарорлик ва демократик ислохотлар учун мустаҳкам пойдевор яратилиши мумкин.